**ЛОЙИХА СМЕТА ХУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ БУЙИЧА**

**Ш А Р Т Н О М А № 33**

**Асака тумани** *16.08.2022 йил*

Бизлар ким куйида имзо чекиб ўзаро шартнома тузувчилар бир томондан ўз низомига асосан фаолият курсатувчи "Сувлойиха" МЧЖ номидан бош директор Х.Таджиев келгусида **«Хизмат кўрсатувчи»** деб номланади, ва иккинчи томондан низом асосида фаолият кўрсатаётган Норин-Қорадарё ИТҲБ хузуридаги Шахрихонсой ирригация тизими бошкармаси бошлиғи Одилов Давронбек келгусида **«Буюртмачи»** деб юритилувчи мазкур шартнома куйидаги мазмунда туздик.

## 1.ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1**«Хизмат кўрсатувчи»** ўзига тегишли бўлган ва келишилган ишларни яъни, ***Асака адир сув омборини сув чикариш иншооти, тўғонинг устки юкори қисми ва назорат ўлчов асбобларини жорий таъмирлаш ишларига смета лойиха хужжатларини тайёрлаб бериш*** мажбуриятини олади. "Буюртмачи" эса ушбу кўрсатилган хизматларни кабул килиб олиб хисоб китоб килади.

## 2. БАЖАРИБ БЕРИЛАДИГАН ХИЗМАТ СИФАТИ

2.1. Бажариб бериладиган хизматларни сифати Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилигига асосан белгиланган Давлат стандарти ва бошка меъёрларга мувофик бўлиши лозим.

2.2. Бюджет ташкилотлари зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошка норматив хужжатлар билан таъминлашни талаб килиши мумкин.

## 3. ШАРТНОМАНИНГ ХИСОБ – КИТОБ ТАРТИБИ

3.1. Шартноманинг умумий суммаси **49 500 000 (Қирк туккиз миллион беш юз минг)** сумни ташкил этади.Хисоб - китоб **«Буюртмачи»** томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

3.3. Шартнома кучга кириб, тегишли Ғазначилик тизимидан рўйхатдан ўтгандан сўнг **3** банк иш кунида **«Хизмат курсатувчи»** хизматлар умумий суммасининг **30 %** ини яни **14 850 000 (Ўн турт миллион саккиз юз эллик минг)** сумини олдиндан аванс тарикасида «Хизмат кўрсатувчининг» нинг хисоб ракамига ўтказиб беради.

3.4.Қолган охирги **70 %**ини **34 650 000 (Ўттиз турт миллион олти юз эллик минг)** сумини **«Хизмат курсатувчи»** томонидан бажариладиган хизматнинг далолатнома хисоб - варак фактуралари асосида **5** банк иш кунида ўтказиб беради.

3.5. **«Буюртмачи»** томонидан **30%**и миқдорда олдиндан тулов амалга оширилгандан сўнг **«Хизмат кўрсатувчи»** 10 банк иш куни давомида мазкур шартномада кўрсатилган миклорда ва нархларда Давлат стандарти талабларига жавоб берадиган, хизмат турларини **«Буюртмачи»**га бажариб беради. **НДС 6 456 522 сўм.**

## 4. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. **«Хизмат кўрсатувчи»** куйидаги хукукларга эга:

- Бажариладиган хизмат учун олдиндан хак тўланиши ва тегишли конун хужжатларида белгиланган тартибда ва тўла хажмда узил-кесил хисоб қилиниши бюджет ташкилотидан талаб килиш;

- Берилган буюртманомага мувофик бажарилиши керак бўлган хизматни кабул килиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини бюджет ташкилотидан талаб килиш;

4.2 **«Хизмат кўрсатувчи»** куйидагиларга мажбур:

- Бюджет ташкилотига бажариладиган хизматни мазкур шартномага мувофик ёки бюджет ташкилоти томонидан мазкур шартноманинг **3.4**-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига асосий белгиланган муддатларда сифат ва микдорида етказиб бериш;

- Агар бажариладиган хизматни бажариб бериш жараёнида **«Хизмат кўрсатувчи»** шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл куйилган бўлса бюджет ташкилотининг талаби билан аникланган барча камчиликлар 3-кун муддатда бепул хал килиб бериш;

4.3. **«Буюртмачи»**нинг хукуклари:

- **«Хизмат кўрсатувчи»** дан амалдаги давлат стандартлари ва бошка норматив хужжатлар билан таъминлашни талаб килиш;

- **«Хизмат кўрсатувчи»** дан мазкур шартномага мувофик бериладиган буюртманомага мувофик тегишли сифатларда хизматларни бажариб берилишини талаб килиш;

- Бахосининг мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб килиш;

- Мазкур шартнома шартлари бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни копланишини **«Хизмат курсатувчи»** дан талаб килиш;

4.4. **«Буюртмачи»**нинг мажбуриятлари:

-**«Буюртмачи» «Хизмат кўрсатувчи»** ушбу шартнома буйича хизматларни бажариб бериш санасидан 1 кун аввал ёзма ёки электрон (факс,телефон)тарзда буюртманома юборилади

- уз буюртманомаси буйича хизматларни бажариб берилишини мазкур шартномага мувофик кабул килиш;

4.5. Шартномада курсатилган нархлар бозорда нарх наво ўзгариши хисобига узгартирилади.

## 5. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

5.1 Шартнома конун хужжатлари шартлари ва талабларига мувофик зарур тарзда бажарилиши шарт. Агар томонлар уз зиммаларига кабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа шартнома бажарилган деб хисобланади.

5.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қуйилмайди. Қонун хужжатларда белгиланган холлар бундан мустасно.

5.3. **«Буюртмачи»**нинг розилиги билан хизматлар муддатдан олдин бажариб берилиши мумкин.

5.4. **«Буюртмачи»** муддатлари бузилган холда бажариб бериладиган хизматларни кабул килишни рад этишга хакли.

5.5. Бажариб бериладиган хизматларни бевосита **«Буюртмачи»** нинг маъсул ходими томонидан далолатнома буйича кабул килинади.

5.6. Мазкур шартномада назарда тутилган бажариб бериладиган хизматларни бевосита **«Буюртмачи»** нинг буюртманомасида кўрсатилган муддатлар ва хажмда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади.

5.7. **«Буюртмачи»** илгари берилган буюртманомани бекор килишга ёхуд бажариб бериладиган хизматларни тегишли туркумларини бажариб бериш санасини ўзгартиришга хаклидир, бу хакда **«Хизмат кўрсатувчи»** нинг буюртманомасида кўрсатилган сана бошланишидан камида 1-кун олдин хабардор килади.

## 6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Бажариб бериладиган хизматларни **"Хизмат кўрсатувчи"** томонидан нотўғри аникланиши, уларнинг киймати нотўғри белгиланиши ва ундирилиши холлари аникланган такдирда **"Хизмат кўрсатувчи"** бажариладиган хизматни сифатини шунингдек уларнинг микдорини хисобга олган холда кайта хисоб - китоб килади ва хисоблаб чикилган ушбу суммадан ташкари **"Буюртмачи"** га нотўғри хисоб-китоб килинган сумманинг 15% микдорида жарима тўлайди.

6.2. Агар бажарилган хизмат сифати, ассортименти, навлари, стандарт техник шартлар талабларига намуналарга ёки шартномада белгиланган бошка шартларга жавоб бермаган такдирда айбдор томон етказиб берилган сифати зарур даражада булмаган бажарилидиган хизмат кийматининг 15% микдорида жарима тулайди.

6.3. Бажарилган хизмат буйича шартномада назарда тутилган мажбуриятларини бажарилиши рад этилганлиги учун етказиб берувчи **"Буюртмачи"** га белгиланган устамалардан ташкари бажарилиши керак булган хизматнинг 20% микдорида жарима тўлайди. Жаримадан ташкари **"Хизмат кўрсатувчи" "Буюртмачи"**га бажарилadиган хизматни бажаролмаслиги натижасида аникланган зарарни тўлайди.

6.4. Бажариб бериладиган хизматларни кечиктирилган ёки тулик бажарилмаган такдирда **"Хизмат кўрсатувчи" "Буюртмачи"**га кечиктирилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган кисмининг 0,5% микдорида пеня тулайди. Бирок бунда пенянинг умумий суммаси бажарилган хизмат кийматининг **50%** дан ортик булмаслиги керак.

6.5 Бажарилган хизмат учун уз вактида хак туланмаганда **"Буюртмачи" "Хизмат кўрсатувчи"**га муддати кечиктирилган хар бир кун учун кечиктирилган тулов суммасининг **0,4%** микдорида пеня тулайди, бирок бу кечиктирилган тулов суммасининг **50%** дан ортик булмаслиги керак.

6.6. Мазкур шартномада назарда тутилган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фукаролик конунчилиги нормаларига мувофик кўлланилади.

## 7. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

7.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиккан такдирда томонлар, коидага кўра, мустакил равишда улар сулгача хал этиш чорларини кўрадилар.

7.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни хал этиш учун бевосита иктисодий судга мурожаат килишга хаклидир.

7.3 Томонлар хўжалик судига мурожаат килган такдирда, суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги иктисодий судида кўриб чикилади.

## 8. КЎШИМЧА ШАРТЛАР

8.1. Агарда бир томонда шартларни бажара олмаслиги ёки махсулот сифати микдори ва суммаси тўғрисидаги узгариш булса, олдиндан ўзаро келишувга асосан ўзгартириш киритилади.

8.2. Форс можор холатида шартнома бузилса, ўзаро келишиб олинади.

## 9. ШАРТНОМА МУДДАТИ.

9.1. Шартнома томонлар имзолаб, худудий Ғазначилик булимида руйхатга олинган кундан кучга кириб, 2022 йил 31 декабргача амал килади.

9.2. Шартнома **2** (икки) нусхада тузилиб, иккала нусхаси хам хукукий жихатдан тенг кучли хисобланади.

## 10. ТОМОНЛАР БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА МАНЗИЛГОХЛАРИ

| «БУЮРТМАЧИ» | «ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ» |
|---|---|
| **Номи:** Норин-Қорадарё ИТҲБ хузуридаги Шахрихонсой ирригация тизими бошкармаси | **Номи:** "Сувлойиха" масъулияти чекланган жамияти |
| **Манзили:** Асака т Имом Бухорий кўчаси 33 уй | **Манзили:** Тошкент ш. Лабзак кўчаси 1 а уй |
| **Тел/факс:** 232-33-36 | **Тел/факс** (71) 241-45-06 |
| **ШХР[2]:** 100021860032247042402170002 | **ИНН:** 201059078 **ОКОНХ:** 71110 |
| **ИНН:** 305916144 **ОКОНХ:** 22100 | **Банк:** Турон АКБ банк марказий амалиёт бошкармаси |
| **Банк:**Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги Ғазначилиги | Х/р: 2021 0000 0001 5393 6001 |
| **Ғазна хисоб раками[1]:**23402000300100001010 | **МФО:** 00446 |
| **МБ ББХККМ Тошкент шахар** | ҚҚС хисоб рақам 326 050 028 178 |
| **МФО:** 00014 **ИНН:** 201122919 | |
| **Рахбари:** ________________ **Д.Одилов** | **Бош директор:** ________________ **Х.Таджиев** |

Юрист Вазобласос

# Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

# ЛИЦЕНЗИЯ

AE № 449

Мазкур лицензия билан «SUVLOYIXA»
(лицензия эгасининг тўлиқ номи)
Davlat unitar korxonasi
га

Геодезия ишлари
(рухсат этилган фаолият тури)

билан

шуғулланишга рухсат этилади.

Лицензия эгасининг жойлашган жойи (почта манзили): 100128
Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Лабзак кўчаси, 1ª-уй

Лицензия эгасининг солиқ тўловчи сифатидаги идентификация рақами: 201059078

Лицензия берилган сана: 2018 й. 18 май

Лицензиянинг амал қилиш муддати беш йил

Реестр бўйича тартиб рақами: 454

Ваколатли шахс: А.Х.Абдуллаев
(исми шарифи, фамилияси) (имзоси)

М.Ў.

Лицензиянинг амал қилиш муддати __________ й. __________ гача узайтирилади.

Ваколатли шахс: __________
(исми шарифи, фамилияси) (имзоси)

М.Ў.

Лицензиянинг амал қилиш муддати __________ й. __________ гача узайтирилади.

Ваколатли шахс: __________
(исми шарифи, фамилияси) (имзоси)

М.Ў.

Аслига тўғри

my.gov.uz
Ягона Интерактив
Давлат Хизматлари Портали

Ўзбекистон
Республикаси
Қурилиш вазирлиги

№ 8524-725e-aaae 899b-cee7-0272-0933
Ҳужжат яратилинган сана: 2020-04-30
Ариза рақами: 18763928

Ҳужжат берилган: ГОСУДАРСТВЕННОЕ УНИТАРНОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ "SUVLOYIXA"
Қабул қилувчининг идентификация рақами: 201059078

**Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш фаолиятини амалга ошириш учун ЛИЦЕНЗИЯ**

ГОСУДАРСТВЕННОЕ УНИТАРНОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ "SUVLOYIXA" га объектларнинг мураккаблик тоифалари классификатори бўйича III тоифадаги объектлар учун қуйидаги:
Тўлиқ комплексда лойиҳалаш бўйича фаолият турлари. А гуруҳи - Сув хўжалиги қурилиши учун объектлар ва комплекслар лойиҳа-смета ҳужжатларини яратиш, шу жумладан уларнинг муҳандислик тармоқлари ва тизимларини лойиҳалаштириш. Уй-жой-хўжалик қурилиши учун объектлар ва комплекслар лойиҳа-смета ҳужжатларини яратиш, шу жумладан уларнинг муҳандислик тармоқлари ва тизимларини лойиҳалаштириш. фаолият тур(-лар)и билан шуғулланишга лицензия берилди.

Лицензия берилган сана: 30-04-2020 йил

Лицензия рақами: АЛ-000694

Солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР): 201059078

Юридик шахснинг почта манзили: ГОРОД ТАШКЕНТ, ШАЙХАНТАХУРСКИЙ РАЙО 1а

Лицензия амал қилиш муддати чекланмаган.

ИНОЯТОВ МИРАББОС МИРКОМИЛОВИЧ

Мазкур ҳужжат Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали тўғрисидаги низомга мувофиқ шакллантирилган электрон ҳужжатининг нусхаси ҳисобланади. Электрон ҳужжатнинг нусхасида кўрсатилган маълумотлар тўғрилигини текшириш учун repo.gov.uz веб-сайтига ўтинг ва электрон ҳужжатнинг ноёб рақамини киритинг ёки мобил телефон ёрдамида QR-кодни сканер қилинг. Диққат! Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарорига мувофиқ электрон ҳужжатлардаги маълумотлар қонуний ҳисобланади. Давлат органларига Ягона порталда шакллантирилган электрон ҳужжатларнинг нусхаларини қабул қилишни рад этишлари қатъиян тақиқланган.

0925